



## Жанобатдан ғусл қилиш сифати

Мўминлар онаси Маймуна разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун ғусл қилишга сув қўйдим ва У зотни кийим билан тўсиб турдим. У зот қўлларига сув қуйиб, уларни ювдилар. Сўнгра ўнг қўллари билан чап қўлларига сув қуйиб, авратларини ювдилар. Кейин қўлларини ерга уриб ишқалаб, артдилар, сўнг ювдилар. Кейин оғиз ва бурунларини чайдилар, юзларини ва икки билакларини ювдилар. Сўнгра бошларига сув қуйиб, бутун баданларига сув етказдилар. Кейин бир четга чиқиб, икки оёқларини ювдилар. Мен У зотга артинишлари учун мато берган эдим, уни олмадилар-да, сувни қўлларида сидирганча кетдилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Мўминлар онаси Маймуна разияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жанобатдан ғусл қилиш сифатлари ҳақида хабар бердилар. У зот ювинишлари учун сув қўйдилар ва парда билан тўсиб турдилар ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўйидаги ишларни бажардилар: Биринчи: Қўлларини идишга солишдан олдин сув қуйиб, икки қўлларини ювдилар. Иккинчи: Ўнг қўллари билан чап қўлларига сув қуйиб, авратларини ювдилар; бу жанобат асарларидан тозаланиш учун эди. Учинчи: Қўлларидаги нопокликни кетказиш учун қўлларини ерга (тупроққа) ишқаб, сўнг ювдилар. Тўртинчи: Оғизларига сув олиб, айлантириб, сўнг чиқардилар; ва истиншоқ қилдилар — яъни бурунларини тозалаш учун ичига нафас билан сув тортиб, сўнг қайтариб чиқардилар. Бешинчи: Юзларини ва икки билакларини ювдилар. Олтинчи: Бошларига сув қуйдилар. Еттинчи: Баданларининг қолган қисмига сув қуйдилар. Саккизинчи: Турган жойларидан бошқа ерга ўтиб, оёқларини ювдилар (чунки аввалроқ ювмаган эдилар). Сўнгра Маймуна онамиз артинишлари учун латта (сочиқ) келтирдилар, лекин У зот уни олмадилар. Баданларидаги сувни қўллари билан сидириб, силтаб ташлай бошладилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3310>

